

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХСУДОВ БЕГМАТЖОН ЮЛДАШАЛИЕВИЧ

**БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) dissertation Abstract

Махсудов Бегматжон Юлдашалиевич

Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини

такомиллаштириш..... 3

Махсудов Бегматжон Юлдашалиевич

Совершенствование методологии бюджетирования

в управленческом учете..... 33

Makhsudov Begmatgon Yuldashaliyevich

Improving methodology of budgeting in the management

accounting..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХСУДОВ БЕГМАТЖОН ЮЛДАШАЛИЕВИЧ

**БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Iqt121 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Ақром Аббасович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиқулов Абдумўмин Исмаатович
иқтисодиёт фанлари доктори

Исманов Иброҳим Набиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар
ва аудиторлар миллий ассоциацияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амур Темур кўчаси, 60 А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс (99871) 234-11-48; e-mail: admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амур Темур кўчаси, 60 А уй. Тел.: (99871)234-53-34; факс: (99871) 234-11-48; e-mail: tmi@tmi.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.У.Мехмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

А.Ж.Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларидаги беқарорликнинг олдини олиш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини юмшатишда бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш жараёнларининг самарали ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Халқаро амалиёт таҳлилига кўра, Европанинг ривожланган давлатларида бухгалтернинг функциясига нафақат ҳисоб юритиш, балки сегментлар бўйича даромад ва харажатлар сметасини тузиш, калькуляциялаш, истиқболни башорат қилиш каби вазифалар ҳам юклатилиб, халқаро тажрибада фирма ва компаниялар бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги иш вақтининг 90 фоизини бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишга сарфлайдилар. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш билан энг юқори малакали мутахассислар шуғулланиши талаб этилади. Буюк Британиянинг бошқарув ҳисоби бўйича Қироллик университети (СІМА) маълумотларига кўра, «Бюджетлаштириш иқтисодий бошқарувнинг кенг тарқалган воситаси ва технологияси ҳисобланиб, унинг қўлланиш доираси 80 % дан ортиқни ташкил қилади»¹.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби, хусусан, бошқарув ҳисоби соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди, жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Бу мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва хўжалик юритувчи субъектларда маблағлардан самарали фойдаланишда шаффофликни таъминлашга хизмат қилади. Бинобарин, ҳозирги кунда бошқарув ҳисобида бюджетлаштиришнинг методологиясини такомиллаштириш масаласи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»² муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Халқаро амалиёт учун муҳим ҳисобланган стратегик, ноль қийматли, кайзен, фаолият турлари бўйича, партиципаторли, ташаббус тарзидаги, гендер асосида, HR, натижавийликка асосланган каби бошқарув ҳисобида бюджетлаштиришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур халқаро тадқиқотларнинг натижалари мамлакатимизда ҳам бу борада мавжуд илмий ишланмаларни етарли эмаслиги ва илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Республикаимизда сутни қайта ишлаш корхоналарида бошқарув ҳисобининг назарий ва услубий масалалари, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб

¹ <https://www.royalholloway.ac.uk/courses/undergraduate/management/management-with-accounting.aspx>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. //www.lex.uz

чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида бошқарув ҳисобининг назарий ва услубий масалалари тадқиқ этилган. Бироқ, пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш масаласи тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ва 2017 йил 28 ноябрдаги «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3408-сонли Қарорида ҳамда бу соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишининг ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш услубиёти бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, Harvard University, Stanford University (АҚШ), The Institute of Public Administration of Canada (Канада), Institute of Chartered Accountants in England and Wales (Англия), Conseil national de la comptabilité (Франция), Institut der Wirtschaftsprüfer (Германия), Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Российский экономический университет имени Г.В.Плеханова, Ростовский государственный экономический университет, Казанский государственный аграрный университет (Россия), Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳонда бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштиришга оид олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида стратегик бюджетлаштириш услубиёти (Harvard University, АҚШ); хўжалик жараёнларини босқичма-босқич калькуляциялаш усули (Stanford University, АҚШ); нодавлат ва нотижорат ташкилотларида бюджетлаштириш масалалари (The Institute of Public Administration of Canada, Канада); «Инқирозга қарши бошқарув ҳисоби» модели (Institute of Chartered Accountants in England and Wales, Буюк Британия); «KRISIS-тахлили» услубиёти (Conseil national de la comptabilité, Франция); контроллингга оид услубий ишланмалар (Institut der Wirtschaftsprüfer, Германия); Россия Федерациясидаги қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи

агрохолдингларда бюджетлаштириш услугиёти (Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Россия); бошқарув ҳисобининг институционал жабҳаларига оид услугиёт (Российский экономический университет имени Г.В.Плеханова, Россия); бошқарув ҳисобини ривожлантириш концепцияси (Ростовский государственный экономический университет, Россия); Россия Федерацияси қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар учун бюджетлаштиришнинг услугиёти (Казанский государственный аграрный университет, Россия); Ўзбекистон Республикаси сутни қайта ишлаш корхоналарида бошқарув ҳисобининг назарий ва услубий масалалари, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқарув ҳисобининг ташкилий ва услубий масалалари (Тошкент молия институти); иқтисодиётнинг турли тармоқларида бошқарув ҳисобининг назарий ва услубий масалалари тадқиқ этилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бошқарув ҳисобининг назарий ва услубий асослари, хусусан, бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш масалалари бўйича хорижлик олимлардан А.Апчерч, Р.Гаррисон, Э.Норин, П.Брюэр, Ж.Хоуп, Ч.Хорнгрен, Ж.Шим³, МДХ давлатлари иқтисодчи олимларидан Р.А.Алборов, М.А.Вахрушина, Е.А.Мизиковский, Т.П.Карпова, В.Э.Керимов, Н.П.Кондраков, С.А.Николаева, В.Ф.Палий, А.Д.Шеремет, К.В.Щиборщ⁴ ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.И.Аликулов, А.К.Ибрагимов,⁵ Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, Б.А.Хасановлар⁵ бошқарув ҳисоби соҳасида илмий изланишлар олиб боришган. Уларнинг

³ Апчерч А. Управленческий учет: принципы и практика: Пер. с англ. -М.: Финансы и статистика, 2002. - 952 с.; Гаррисон Р., Норин Э., Брюэр П. Управленческий учет. 12-е изд. / Пер. с англ. под ред. М.А.Карлика. – СПб.: Питер, 2012. -592 с.; Хоуп Дж. За гранью бюджетирования. Как руководителям выбраться из ловушки ежегодных планов/ Дж. Хоуп, Р. Фрейзер; пер. с англ. Р.В. Кашеева. - М., СПб: Вершина, 2007. - 272 с.; Хорнгрен. Ч. Управленческий учет. [Текст]. Хорнгрен Ч, Фостер Дж, Датар Ш.: -СПб.: Питер, 2007. - 1008 с.; Шим Дж. К. Основы бюджетирования и больше. Справочник по составлению бюджетов: пер. с англ. / Шим Дж. К., Сигел Дж. Г. под общ. ред. В. А. Плотникова. – М.: Вершина. 2007.

⁴ Алборов Р. Бухгалтерский управленческий учет (теория и практика). - М.: Дело и сервис, 2005. -223 с.; Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет: Учебник. -М.: Омега-Л, 2006. -576 с.; Мизиковский Е.А. Генезис управленческого учета на отечественных предприятиях. – М.: Экономистъ. 2006.; Карпова Т.П. Управленческий учет. Учеб. для вузов. -2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. -351 с.; Керимов В. Э. Бухгалтерский управленческий учет. Учебник. – М.: Дашков и К, 2009. -477 с.; Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет. Учебник. Второе издание, перераб. и допол. Проспект. -Москва. 2011.; Николаева С. А. Управленческий учет. - М.: ИПБ-БИНФА, 2002. -176 с.; Палий В.Ф. Управленческий учет. – М.: Финансы и статистика. 2007.; Управленческий учет: Учебник /Под редакцией А.Д. Шеремета. - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2005; Щиборщ К. В. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России. -М.: Дело и сервис, 2005. -544 с.

⁵ Аликулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва тахлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2011. – 188 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Т.: Ўз.Р.БМА. 2002. – 42 б.; Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва тахлили: муаммо ва ечимлари. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 272 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 152 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд.: Зарафшон, 2001. – 272 б.; Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi. –Т: G.Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2015. –318 б. Хасанов В.А., Xashimov A.A. Boshqaruv hisobi. Darslik. – Т.: Cho' lpon, 2013. – 312 б.

илмий ишланмалари ҳам ушбу тадқиқотнинг илмий-назарий манбаларидан ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатиб ўтилган олимларнинг илмий ишларида бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш услубиятининг айрим масалалари ёритилган, холос. Пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш масалалари эса тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «ФМ-3-Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва статистикани ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошқарув ҳисобида бюджетлаштиришнинг назарий-услубий асослари ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта тозалаш корхоналари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш;

тадқиқот объекти сифатида танланган корхоналар учун «Тижорат сири режимига риоя этиш бўйича» Намунавий низом лойиҳасини ишлаб чиқиш;

бошқарув ҳисобини юритиш учун бухгалтер-аналитик мутахассислигининг функционал вазифаларини шакллантириш;

тармоқ корхоналари учун «Бошқарув ҳисоби ҳақида»ги Намунавий низом лойиҳасини тавсия қилиш;

пахта тозалаш корхоналари учун «Бюджетлаштиришни жорий этиш ва таҳлил» кенгашининг ташкилий тузилмаси ва «Бюджетлаштириш тўғрисида»ги Намунавий низом лойиҳасини тайёрлаш;

пахта тозалаш корхоналари Бош бюджетини шакллантиришнинг технологияси ва чизмасини ишлаб чиқиш;

статик ва мослашувчан бюджетлар тузиш ҳамда четланишлар таҳлили услубиётига оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

тармоқ хусусиятини ҳисобга олиб, операцион, инвестицион (инновация), махсус ва йиғма бюджетлар тузиш услубиётини такомиллаштириш;

пахта тозалаш корхоналарида бюджет бажарилишини баҳолаш ва контроллингини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи пахта тозалаш корхоналарининг фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик ва жараёнларни илмий билишнинг назарий ва эмпирик усуллари - умумлаштириш, гуруҳлаш, мантиқий ва қиёсий таҳлил усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш ҳамда бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта тозалаш корхоналари хусусиятларини инобатга олувчи бошқарув ҳисобининг таркибий қисмларини ўзида мужассамлаштирган ҳисоб юритишнинг блок-чизмаси тавсия этилган;

«Тижорат сири режимига риоя этиш бўйича» ва «Бошқарув ҳисоби ҳақида»ги Намунавий низомлар ишлаб чиқилган ҳамда касблар классификаторига бухгалтер-аналитик мутахассислигини киритиш тавсия қилиниб, унинг функционал вазифалари белгилаб берилган;

бюджетлаштиришни самарали ташкил қилиш мақсадида «Бюджетлаштиришни жорий этиш ва таҳлил» кенгаши тузишнинг зарурлиги илмий асосланган, корхонанинг ички молиявий назорат тизими учун «Бюджетлаштириш тўғрисида»ги Намунавий низом ишлаб чиқилган;

пахта тозалаш корхоналарида Бош бюджет тузиш технологияси ва уни жорий этишни диагностика қилиш усули таклиф қилинган;

статик ва мослашувчан бюджетлар тузиш ҳамда улардан четланишларни таҳлил қилишда бюджет люфтани қўллаш услуби шакллантирилган;

бюджет сценарийлари асосида операцион, инвестицион (инновация), маҳсус ва йиғма бюджетларни тузиш услуби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахта тозалаш корхоналарида бюджетлар бажарилишида муҳимлилик даражаси ва четланишлар мезонларини қўллаш бўйича таклифлар берилган;

пахта навидан саноат навига ўтиш, пахта толасининг синфларга тақсимланиши ва пахта хомашёсидан тола чиқишининг маҳсулот таннархи, унинг ҳажми ҳамда баҳосига таъсирини таҳлил қилиш услуби ишлаб чиқилган;

пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш жараёнларини автоматлаштириш стратегиясини амалга оширишнинг вариантлари таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» АЖнинг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Илмий изланишлар жараёнида билдирилган таклиф ва тавсияларни қўллаш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада ривожлантириш шароитида пахта тозалаш саноати корхоналарини

ривожлантириш, бошқарув ҳисоби назарияси ҳамда амалиётини янада такомиллаштириш, уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имконини беради. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Бошқарув ҳисоби» ва «Функционал-қиймат таҳлили» фанларидан таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида қуйидаги натижаларга эришилган:

бошқарув ҳисобини такомиллаштирилган блок-чизмасига оид тавсиялар «Ўзпахтасаноат» АЖ таркибидаги корхоналар бухгалтериясига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2017 йил 15 декабрдаги 02-22/3613-сонли маълумотномаси). Натижада «Ўзпахтасаноат» АЖ фойдаси 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 11 % га ўсган;

«Тижорат сири режимига риоя этиш бўйича» ва «Бошқарув ҳисоби ҳақида»ги Намунавий низомлар ҳамда касблар классификаторига бухгалтер-аналитик мутахассислигини киритиш бўйича тавсиялар пахта тозалаш корхоналари бухгалтериясига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2017 йил 15 декабрдаги 02-22/3613-сонли маълумотномаси). «Тижорат сири режимига риоя этиш бўйича» Намунавий низомнинг амалиётга жорий этилиши пахта тозалаш корхоналарида ахборотларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ манфаатларни ҳимоя қилиш имкониятини яратган ва тижорат қийматига эга бўлган ахборотлардан фойдаланиш самарадорлигини 8 % га ошишига олиб келган. Тармоқда «Бошқарув ҳисоби ҳақида»ги Намунавий низомнинг жорий этилиши самарали бошқарув ҳисобини ташкил этиш, натижада тезкор ва ўз вақтида бошқарув қарорлари қабул қилинишига олиб келган. Пировардида, «Ўзпахтасаноат» АЖнинг фойдаси 7 % га ошган;

тармоқ корхоналарида «Бюджетлаштиришни жорий этиш ва таҳлил» кенгаши тузилган ва «Бюджетлаштириш тўғрисида»ги Намунавий низом жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2017 йил 15 декабрдаги 02-22/3613-сонли маълумотномаси). Бу эса тармоқ корхоналарида кунлик пахтани қайта ишлаш унумдорлигининг 3 % га ўсишига олиб келган;

Бош бюджет тузиш технологияси ва уни жорий этишни диагностика қилиш усулига оид таклифлар «Ўзпахтасаноат» АЖ таркибидаги корхоналар бухгалтериясига татбиқ этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2017 йил 15 декабрдаги 02-22/3613-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларни жорий этиш натижасида рентабелликнинг 3 % га ўсишига эришилган;

пахта тозалаш корхоналари бухгалтериясида статик ва мослашувчан бюджетлар тузиш ҳамда улардан четланишлар таҳлилида бюджет люфтини қўллаш услуби жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2017 йил 15 декабрдаги 02-22/3613-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида пахта тозалаш корхоналарида солиқ юкининг 5 % га камайишига эришилган;

операцион, инвестицион (инновация), махсус ва йиғма бюджетларни тузишнинг такомиллаштирилган услуби тадқиқот объектида жорий этиш учун қабул қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2017 йил 15 декабрдаги 02-22/3613-сонли маълумотномаси);

бошқарув ҳисобини ташкил этишга оид таклиф ва тавсиялардан «Ўзпахтасаноат» АЖга қарашли корхоналарда бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида яратилган услубий кўрсатмалар тўпламини ишлаб чиқишда фойдаланилган (V-IX-томларида изланувчи ҳаммуаллиф сифатида қатнашган);

пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш тизимини такомиллаштиришга оид тавсиялар фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 17 ноябрдаги КА/05-01-32-34/1286-сонли маълумотномаси);

пахта тозалаш корхоналарида бюджет бажарилишини баҳолаш бўйича таклифлар фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 17 ноябрдаги КА/05-01-32-34/1286-сонли маълумотномаси).

изланувчи томонидан ишлаб чиқилган «Тижорат сири режимига риоя этиш бўйича» Намунавий низом лойиҳаси маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган «Ходимлари тижорат сиридан фойдаланадиган корхона ва ташкилотлар учун тижорат сири режимига риоя этилиши бўйича Намунавий низом»да ўз аксини топган (Қўмитанинг 2017 йил 26 декабрдаги 2788/02-09-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бошқарув ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида бошқарув ҳисобининг моҳияти, ривожланиш босқичлари, уни ташкил этиш ва юриштишнинг халқаро тажрибаси ҳамда пахта тозалаш корхоналарида уларни жорий этишнинг услубий масалалари кенг ёритилган.

Ўзбекистон иқтисодиётида пахта тозалаш саноати муҳим ўрин тутди. Республикада ишлаб чиқарилган пахта толасининг ички истеъмолини ошириш пахта-тўқимачилик саноати комплексини ривожлантиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади. «Бу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар 2020 йилгача бўлган даврда пахта толасини қайта ишлаш даражасини 80 %гача етказиш имконини беради ҳамда Ўзбекистон саноатининг экспорт салоҳиятини 3 мартадан кўпроқ оширади»⁶.

Мазкур ҳолатни қуйидаги жадвалда келтирилган статистик маълумотлар асосида кузатиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида етиштирилган пахта хом ашёси ва унинг экспорти ҳажми тўғрисида маълумот⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Пахта майдони, минг га.	1425,1	1347,0	1342,5	1329,2	1308,3	1308,3	1301,5	1298,1	1265,1	1210,3
Пахта ҳосили, минг т.	3400,5	3401,9	3404,0	3500,0	3460,1	3361,2	3400,2	3361,3	2958,9	2900,2
Ҳосилдорлик, ц.	24,0	25,3	25,4	26,3	26,4	25,7	26,1	25,9	23,4	24,1
Пахта толаси экспорти, млн. АҚШ долл.	1066,8	1012,7	1572,7	1347,9	1259,7	1163,0	1047,7	736,1	637,3	477,1
Экспортдаги улуши, %	9,3	8,6	12,1	9,0	9,3	8,1	7,7	5,9	5,2	3,4

⁶ Ўзбекистон Республикаси пахта ва ёғ-мой саноатини 2016-2020 йиллар даврида ривожлантириш концепцияси // www.uzpse.uz

⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами // www.stat.uz

Жадвалдан кўриниб турибдики, пахта толасининг мамлакат экспортидаги улуши йилдан-йилга камаймоқда, агар 2008 йили 9,3 % бўлган бўлса, 2017 йилга келиб, дастлабки маълумотларга кўра 3,4 % ни ташкил этган; пахта майдони 15,8 % га қисқариб, 2008 йилдаги 1,4 млн. гектар ўрнига 2017 йилга келиб, 1,2 млн. гектарни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби, пахта толасининг мамлакат ичида чуқур қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтилаётгани билан изоҳланади. Пахта майдонларининг қисқараётганлигига сабаб мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ички бозорни барқарор ривожлантириш, қайта ишловчи корхоналар ва экспортга маҳсулот етказиб беришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидир.


Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларининг тобора чуқурлашиб бориши бошқарув ҳисобининг шаклланиши ва ривожланишини ҳар томонлама тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Бунга ушбу истиқболли илмий йўналишнинг айрим ҳолларда иқтисодий адабиётларда турлича, ҳатто бирига қарама-қарши тарзда талқин қилинаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу боисдан, тадқиқотда К.Друри, Р.Гаррисон, Э.Норин, Ч.Хорнгрен, Ж.Фостер, М.Вахрушина, Т.Карпова, Н.Кондраков, А.Шеремет каби хорижлик олимлар ҳамда А.Ибрагимов, А.Каримов, М.Пардаев, А.Пардаев, Б.Хасанов каби ўзбекистонлик олимларнинг бошқарув ҳисобига оид таърифлари ўрганилиб, уларнинг тизимли таҳлили асосида қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилган, яъни «Бошқарув ҳисоби корxonанинг ички ҳисоб тизими бўлиб, корхона фаолиятининг ҳозирги ва келгусида ривожланишини мувофиқлаштириш, оптималлаштириш ҳамда истиқболни белгилаш мақсадида ҳисоб жараёни ва бошқарув тизими ўртасида боғловчилик вазифасини бажарувчи бошқарув ахборотлари билан таъминлашнинг интеграллашган тизимидир».

Иқтисодий адабиётлар таҳлили натижасида бошқарув ҳисобининг мақсади, предмети, методлари, вазифалари, объекти, тамойиллари, функциялари бўйича муаллифлик таърифлари шакллантирилган ва бошқарув ҳисоби тизимининг такомиллаштирилган блок-чизмаси тавсия этилган (1-расм).

Ушбу такомиллаштирилган блок-чизма бошқарув ҳисобининг барча муҳим компонентлари ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Уни амалиётга жорий этиш хўжалик юритувчи субъектларга зарурий самарага эришиш имкониятини яратади.

Бошқарув ҳисоби маълумотлари тижорат сирини ҳисобланади. Шунга кўра, мазкур маълумотларни муҳофаза қилмай пахта тозалаш корхоналарида бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш мумкин эмас. Маълумотларни муҳофаза қилиш учун эса тижорат сирини режимини ташкил қилиш, яъни маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.



1-расм. Пахта тозалаш корхоналари учун бошқарув ҳисобининг такомиллаштирилган блок-чизмаси⁸

Шунингдек, «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан 2016 йил 30 июнда тасдиқланган ««Ўзпахтасаноат» акционерлик жамиятининг ахборот сиёсати ҳақида»ги Низомда «Маълумотларни тижорат сирига киритиш, ундан фойдаланишга рухсат бериш тартиби ва шартлари жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири ҳақида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилиши»⁹ белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан, тадқиқотда мазкур муаммо батафсил тадқиқ этилиб, мамлакатимиздаги мавжуд меъёрий ҳужжатлар чуқур ўрганилган ҳолда диссертант томонидан «Тижорат сири режимига риоя этиш бўйича» Намунавий низом ишлаб чиқилган.

Халқаро ва миллий ҳисобчилик амалиётига кўра, бошқарув ҳисобини ташкил этиш тартиб-қоидалари ҳамда таомиллари давлат томонидан меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмайди, балки бошқарув органининг қарорига биноан корпоратив меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил қилинади. Шунинг учун ҳам корхоналарда мазкур ҳисобнинг ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ўта муҳим масала ҳисобланиб, ушбу қоидалар бошқарув ҳисоби низоми ва ички стандартлар кўринишида ишлаб чиқилади ҳамда корхоналарнинг муҳим ички меъёрий ҳужжати ҳисобланади.

Юқорида таъкидланган бошқарув ҳисоби бўйича ишчи ҳужжатни ишлаб чиқиш тартиби, талаби ва иқтисодий адабиётлар таҳлили асосида диссертант томонидан «Бошқарув ҳисоби ҳақида»ги Намунавий низом ишлаб чиқилиб, «Ўзпахтасаноат» АЖ амалиётида қўллаш учун қабул қилинган.

Диссертацияда бошқарув ҳисобини ташкил этиш бўйича хорижий тажрибалар тадқиқ этилиб, улардан пахта тозалаш корхоналарида фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган (2-жадвал).

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁹ www.uzpaxta.uz

Хорижий корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этиш вариантлари¹⁰

Вариантлар	Вариантларнинг мазмуни	Қўлланиладиган мамлакатлар
Муस्ताқил	<p>Бошқарув ҳисоби махсус акс эттирувчи счётлар орқали молиявий ҳисобдан ажратиб юритилади. Харажат ва натижаларни ҳисобга олиш учун синтетик счётлар, субсчётлар ва аналитик счётлардан фойдаланилади. Бошқарув ҳисобида молиявий ҳисобни бошқарув ҳисоби билан боғловчи махсус счётлар қўлланилади. Мазкур вариантда харажатларнинг иқтисодий элементлари, даромадларни фаолият турлари кесимида ҳисобга олиш молиявий ҳисобда, харажатларни калькуляция моддалари, даромадларни ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари кесимида ҳисобга олиш бошқарув ҳисобида амалга оширилади. Учта тоифадаги счётлар: молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва балансдан ташқари счётлардан фойдаланилади. Харажат ва даромадлар ҳисоби «харажатлар–маҳсулот ҳажми» усули асосида амалга оширилади. Бунда бошқарув ҳисоби билан молиявий ҳисобнинг ўзаро алоқаси махсус боғловчи счётлар орқали амалга оширилади. Ушбу счётларга даромад ва харажат счётлари киради ва улардаги айланмалар бошқарув ҳисобини тегишли счётларига ўтказилади. Бошқарув ҳисоби счётлари билан молиявий ҳисобнинг назорат счётлари корреспонденцияси натижасида корхонада молиявий ва бошқарув ҳисоблари тизим-остиларни ажратган ҳолда интеграллашган бухгалтерия ҳисоби юритилишига эришилади.</p>	Франция, Бельгия ва Лотин Америкаси ҳамда Африка давлатлари
Автоном	<p>Мазкур вариантда харажатларнинг иқтисодий элементлари, даромадларни фаолият турлари кесимида ҳисобга олиш молиявий ҳисобда, харажатларни калькуляция моддалари ва даромадларни ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари кесимида ҳисобга олиш бошқарув ҳисобида амалга оширилади. Учта тоифадаги счётлар: молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва балансдан ташқари счётлардан фойдаланилади.</p> <p>Харажат ва даромадлар ҳисоби «харажатлар – маҳсулот ҳажми» усули асосида амалга оширилади, меъёрлар ва улардан четланишлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш қўлланилиши мумкин. Бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоб автоном ҳисобланади ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқа тезкор равишда тизим ва бухгалтерия ҳисоби счётларидан ташқарида амалга оширилади. Жуфт назорат счётлари (ойна счётлар, счёт-экранлар) қўлланилади. Улар ёрдамида молиявий ва бошқарув ҳисоби айланмалари ажратилади.</p>	АҚШ, Канада, Германия
Тезкор	<p>Ушбу вариантда харажат ва даромадлар молиявий ҳисобда ҳисобга олинади. Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг счётлари тизими ишлатилмасдан ташкил қилинади (бошқарув ҳисоби тезкор ҳисоб билан бирлаштирилади). Махсус боғловчи счётлар қўлланилади ва улар орқали хўжалик жараёнлари ҳақидаги маълумотлар бир тизим-остидан иккинчисига ўтказилади. Маълумотларни бир тизимдан бошқасига ўтказиш махсус ўтказувчи счётлар орқали амалга оширилиши мумкин ва мазкур счёт ҳисобот даврида ёпилади ҳамда қолдиққа эга бўлмайди.</p>	Европа Иттифоқи давлатлари
Интеграл	<p>Бошқарув ва молиявий ҳисоблар умумий бухгалтерияда ягона счётлар режасини қўллаган ҳолда юритилади.</p>	Россия

¹⁰ Муаллиф томонидан мазкур муаммога оид манбаларни таҳлил қилиш асосида тузилган.

Бошқарув ҳисоби иқтисодий фаолият учун янгилик ҳисобланганлиги боис амалиётда мазкур соҳа билан шуғулланувчиларни иқтисодчи деб аташади. Бу ном мазкур касбнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ изоҳлаб бермайди. Шунингдек, касбларнинг умумий классификаторига «бошқарув ҳисоби бухгалтери» касб сифатида киритилмаган. Бу эса унинг касбий ва ҳуқуқий мақоми ноаниқлигига ҳамда фаолият доирасининг кенг ва чегарасиз бўлишига олиб келмоқда. Шу боисдан, мамлакатимизда ҳам жаҳон амалиётидаги каби бошқарув ҳисоби соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни «бухгалтер-аналитик» деб номлаб, уни касблар классификаторига киритиш зарур. Бухгалтер-аналитик бошқарув ҳисоби бухгалтери касбининг хусусиятлари ва фаолияти мазмунини тўлиқ ёритиб беради.

Тадқиқотда бухгалтер-аналитик нафақат харажатларни ҳисобга олиш, балки режалаштириш, истиқболни прогнозлаш, таҳлил этиш, контроллинг, фаолиятни мувофиқлаштириш билан ҳам шуғулланиши, энг муҳими, оддий ҳисоб ходими даражасидан стратег, инноватор, креатив фикрловчи мутахассис даражасига кўтарилиши, ҳисоб жараёни билан корxonанинг корпоратив бошқаруви узвийлигини таъминлаши зарурлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг «**Бошқарув ҳисобининг муҳим таркибий қисми сифатида бюджетлаштиришнинг ташкилий-услугий хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида бюджетлаштиришга оид ташкилий-услугий ёндашувлар, улар бажарилишини баҳолаш ва контроллинг, статик ва мослашувчан бюджетлар тузиш услублари атрофлича тадқиқ этилган. Шунингдек, тармоқ корxonалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бош бюджет тузиш технологияси ва бюджетдан четланишлар таҳлили кенг баён этилиб, бюджетлаштиришнинг ташкилий-услугий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бюджетлаштиришни самарали жорий этиш учун тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни хом ашёни йил давомида бир маромда қабул қилиш имконияти мавжуд эмаслиги, унинг узоқ муддат сақланиши, ишлаб чиқаришнинг цехли тузилмаси мавжуд эмаслиги, бир хил турдаги хом ашё қайта ишланиб, бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг эътиборга олиниши кераклиги сабабли мазкур масала кенг ёритилган.

Тадқиқотда «бюджет» ва «бюджетлаштириш» атамаларига оид таърифларнинг тизимли таҳлили натижасида қуйидаги муаллифлик ёндашувлари баён этилган, яъни «Бюджет пахта тозалаш корxonасининг молиявий барқарорлиги ва келажакда иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи молиявий режаси бўлиб, у сегментлар кесимида субъектнинг миқдорий ва қиймат кўринишида аввалдан тузиладиган бошқарув хужжатиدير», «Бюджетлаштириш корxона фаолиятини режалаштириш, меъёрлаштириш, ҳисобга олиш, мониторинг ва таҳлил қилишни мужассамлаштирувчи ахборот тизими бўлиб, бошқарувнинг муҳим функциялари воситасида истиқболдаги мақсадларга эришиш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёниدير».

Амалиётни таҳлил қилиш пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириш жараёнини самарали жорий этиш учун коллегиял ижрочи органни ташкил этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боис тадқиқотда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, доимий фаолият юритувчи маслаҳат гуруҳи мақомига эга «Бюджетлаштиришни жорий этиш ва таҳлил» махсус кенгаши тузишнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган. Шунингдек, ушбу кенгаш таркибига пахта тозалаш корхоналарида иқтисодчи мутахассислардан ташқари барча етакчи мутахассислар ва бўлим бошлиқлари киритилиши лозимлиги белгилаб берилган.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, амалиётда бюджетлаштиришни жорий этишнинг тартиб-қоидалари қонунда белгилаб қўйилмаган ва давлат органлари томонидан тартибга солинмайди. Шу боисдан ушбу тартиб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ички назорат тизими доирасида мустақил ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши зарур. Юқорида таъкидланган кенгаш мазкур низомни ишлаб чиқиши ва унда бюджетларни самарали жорий этиш тартиби, бошқарув тизимидаги ўрни ҳамда аҳамияти белгилаб берилиши керак. Шунингдек, низомда маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва бюджетларни шакллантириш тартиби масъул шахслар ҳамда бюджет бажарилиши муддатлари кўрсатилган ҳолда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур низомда турли бўғин ва даражада тузилган бюджет турларининг ўзаро алоқасига асосланган бюджетлаштириш ва таҳлилни амалга ошириш алгоритмига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги илмий асосланган. Тадқиқотда ушбу талаблар инобатга олиниб, «Бюджетлаштириш ҳақида»ги Намунавий низом лойиҳаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этиш учун тавсия этилган.

Иқтисосликка оид адабиётларни чуқур тадқиқ этиш натижасида ва пахта тозалаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бюджетларни юқорида таъкидланган низомга мувофиқ қуйидаги босқичлар бўйича тузиш тавсия қилинган:

бюджетлаштиришнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш ҳамда «Бюджетлаштиришни жорий этиш ва таҳлил» кенгашини ташкил этиш;

бюджет турларини туркумлаш ва уларнинг ўзаро мантиқий боғланиш тартибини аниқлаш;

бюджет регламенти ва ҳужжат айланиши графигини тасдиқлаш ҳамда бюджетларни масъулият марказлари бўйича тақсимлаш;

бюджетни тасдиқлаш ва самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш;

бюджет бажарилишини мониторинг ва таҳлил қилиш.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш бюджетлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи бюджетлар тузиш кетма-кетлиги масаласи иқтисодчи олимлар томонидан кенг ёритилганлиги, бироқ бу масалада ягона фикрга келинмаганини кўрсатмоқда. Тадқиқотда иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва амалиётни ўрганиш ҳамда тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, бюджетлаштиришнинг умумқабул қилинган «сотиш бюджетидан фойда ва зарарлар, пул маблағлари ҳаракати ва прогноз балансига» моделини

такомиллаштириш асосида бюджетларни пахта хом ашёсини тайёрлаш бюджети тузишдан бошлаш зарурлиги илмий асосланган.

Таҳлиллар бюджетлар қиёсий белгилари ва мезонларига кўра турлича таснифланаётганлигини кўрсатди. Шу муносабат билан тадқиқотда бюджетларнинг тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги тартибда таснифлаш тавсия этилган:

бюджетларнинг турлари бўйича: статик бюджет, мослашувчан бюджет, ҳақиқий бюджет;

бюджетларнинг Бош бюджетга боғлиқлиги бўйича: операцион бюджет, инвестицион бюджет, махсус бюджет, йиғма бюджет;

корхонанинг фаолият турлари бўйича: тайёрлов бюджети, қайта ишлаш бюджети, сотиш бюджети.

Тадқиқотларга кўра, пахта тозалаш корхоналари фаолиятида Бош бюджетни шакллантириш муаммоларига бағишланган услубий ва амалий кўрсатма ёки тажрибанинг мавжуд эмаслиги сабабли мазкур масала иқтисодчи олимлар ўртасида баҳс-мунозара мавзусига айланган. Бош бюджет корхонанинг турли режаларини боғловчи бўғин бўлиб, белгиланган мақсадга эришиш учун зарур бўлган мазкур режаларнинг молиявий ва миқдорий ифодаланишини билдиради ҳамда барча бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради. Шунинг учун ҳам пахта тозалаш корхоналарида Бош бюджетнинг операцион, инвестицион (инновация), махсус ва йиғма бюджетлардан ташкил топиши илмий асосланган ва уни шакллантириш механизмлари ишлаб чиқилган (2-расм).

Иқтисодий адабиётлар ва тармоқ хусусиятларини чуқур тадқиқ этган ҳолда бюджет тузиш кетма-кетлигининг қисқача тавсифи ва бюджетларни тузиш учун қўлланилувчи режа-аналитик воситалар рўйхатини қамраб олган ҳамда 19 та босқичдан иборат пахта тозалаш корхоналарида Бош бюджет тузиш технологияси тавсия этилган.


Бюджетларнинг даврийлигига кўра, пахта тозалаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагича тузиш тавсия қилинган:

1. *Статик бюджет тузиш.* Пахта тозалаш корхоналари томонидан бюджет даври бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзанинг навларини жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги ҳар йили имзоланадиган Қарорга асосан статик бюджет тузиш мақсадга мувофиқ.

2. *Мослашувчан бюджет тузиш.* Мазкур бюджетни пахта тозалаш корхоналарида ҳар йили пахта мавсуми олдидан ҳукумат қарори билан пахта хом ашёсининг харид нархи белгиланганидан сўнг тузиш зарур.

3. *Ҳақиқий бюджет тузиш.* Ушбу бюджетни пахта тозалаш корхоналарида ўтган йил ҳосилини қайта ишлаш жараёнлари тугагач, тузиш ижобий самара беради.

Бюджетлаштиришда сотиш ва ишлаб чиқаришнинг маълум миқдоридан келиб чиқиб, келгуси йил учун тузилган бюджет статик бюджет ҳисобланади.




2-расм. Пахта тозалаш корхоналарининг Бош бюджетини шакллантириш механизми¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Статик бюджет корхонада сотиш ва ишлаб чиқаришнинг аниқ даражасига мўлжаллангани учун ҳам иқтисодий фаолликнинг ўзгариши шароитида харажатларни назорат қилишда етарли самара бермайди.

Шунингдек, статик бюджет дастлабки режа ҳисобланганлиги боис корхоналар фаолиятини таҳлил қилишнинг кейинги босқичларида уларнинг маълумотлари етарли бўлмайди. Шу боисдан ҳам бу бўшлиқни мослашувчан бюджет тузиш билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Мослашувчан бюджет молиявий-хўжалик фаолиятининг аниқ даражаси учун эмас, балки маълум оралиқ давр учун тузилувчи бюджетдир. У сотиш миқдори ўзгаришига кўра харажатларнинг ўзгаришини эътиборга олиш имконини беради ва эришилган натижаларни режа кўрсаткичлари билан таққослаш учун динамик асос ҳисобланади.

Пахта тозалаш корхоналарида бир неча вариантдаги муқобил бюджетлар тузилиши уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти харажатлари даражасини баҳолаш имконини яратади. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, юз бериши мумкин бўлган ҳолатнинг вариантлари тахминий тавсифга эга бўлиб, бу иқтисодий фаолликнинг ривожланиши ва бюджетлаштириладиган харажатларнинг бир неча вариантларини ҳисоб-китоб қилиш заруратини юзага келтиради. Бунга бошқарув ҳисобининг энг асосий ютуқларидан бири бўлган ва корхоналар фаолиятини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи мослашувчан бюджетлар тузиш орқали эришилади (3-расм).



3-расм. Мослашувчан бюджет тузишда фойдаланилувчи иқтисодий фаолликни прогнозлаш модели

Тадқиқ этилаётган мавзу бўйича иқтисодий адабиётлар ва халқаро тажриба тадқиқ этилиб, муаллиф томонидан хорижлик олимлар Ч.Хорнгрен, Ж.Фостер, Ш.Датарларнинг услуги асосида тармоқ корхоналари учун мослашувчан ва статик бюджетларни тузиш ҳамда улар бўйича четланишлар таҳлилинини ўтказиш услуги ишлаб чиқилган (3-жадвал).

Маржинал фойда усули бўйича Тошкент вилояти «Ўзбекистон пахта тозалаш» АЖда статик бюджетдан четланишларнинг иккинчи даражали таҳлили, сўмда¹²

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда	Мослашувчан бюджет	Мослашувчан бюджет бўйича четланишлар	Статик бюджет	Сотиш бўйича четланишлар
	(1)	(2)	(3)=(1)-(2)	(4)	(5)=(4)-(2)
Сотишлар ҳажми, тонна	10000	10000	0	12000	2000 (С)
Тушум, минг сўм	1250000	1200000	50000 (И)	1440000	240000 (С)
Ўзгарувчан харажатлар:					
асосий материаллар, минг сўм	621600	600000	21600 (С)	720000	120000 (И)
асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи, минг сўм	198000	160000	38000 (С)	192000	32000 (И)
ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	130500	120000	10500 (С)	144000	24000 (И)
Жами ўзгарувчан харажатлар, минг сўм	950100	880000	70100 (С)	1056000	176000 (И)
Маржинал фойда, минг сўм	299900	320000	20100 (С)	384000	64000 (С)
Доимий харажатлар, минг сўм	285000	276000	9000 (С)	276000	0
Операцион фойда, минг сўм	14900	44000	29100 (С)	108000	64000 (С)
29100 000 сўм салбий четланиш – мослашувчан бюджетдан умумий четланишлар; 64000 000 сўм салбий четланиш – сотиш бўйича умумий четланишлар; 29100000+64000000 = 93100000 салбий четланиш– статик бюджетдан умумий четланишлар.					

Жадвалдан кўришиб турибдики, операцион фойда кўрсаткичига оид сотиш бўйича четланишлардаги 64,0 млн. сўмлик салбий четланиш маржинал фойдада юз берган четланишлар туфайли юзага келган. Мослашувчан бюджет бўйича четланишлар (29,1 млн. сўм) ва сотиш бўйича четланишлар (64,0 млн. сўм) эса биргаликда статик бюджетдан салбий четланишларни (93,1 млн. сўм) ташкил қилган.

Амалиёт таҳлили корхона ва унинг бўлинмалари (масъулият марказлари) фаолиятини баҳолаш ҳамда мониторинг қилиш учун мослашувчан бюджет маълумотлари етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бунинг сабаби мослашувчан бюджет тузиш жараёнида кўрсаткичлар маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмига кўра қайта ҳисоб-китоб қилинаётганда ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ҳажмига кўра тўғри пропорционал равишда ўзгармоқда, доимий харажатлар эса ўзгармай қолмоқда. Бу эса корхона фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш учун ахборотлар базасини кенгайтиришни тақозо этади. Шу боисдан, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, тадқиқотда унга қўшимча равишда қуйидаги тартибда мониторинг ва баҳолаш бюджетини тузиш тавсия қилинган:

¹² Тошкент вилояти «Ўзбекистон пахта тозалаш» АЖ материаллари асосида муаллиф ишланмаси.

бюджет даври бошида пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан тузилган контрактация шартномаларига асосан статик бюджет тузиш;

ҳар йили пахта йиғим-терим мавсуми олдидан тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланувчи пахта хом ашёсининг харид нархига асосан мослашувчан бюджет тузиш;

сценарий шароитлари ўзгаришига кўра вазиятли бюджет тузиш;

корхона менежерлари томонидан белгиланган мақсадга эришиш ҳолатини баҳолаш учун мониторинг бюджети тузиш;

масъулият марказлари ва ходимлар фаолиятини баҳолаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида баҳолаш бюджети тузиш.

Бюджетлаштириш жараёнлари жорий этилгандан сўнг доимий равишда диагностика қилиниши ва келгусида уни оптималлаштириш учун бюджетлаштириш тизимини таҳлил қилиш услубига эга бўлиш лозим. Бунда амалдаги бюджетлаштириш тизими уларни тавсифловчи мезонлар асосида таҳлил қилинади, натижалари корхона фаолияти хусусиятларига асосан тузилган ички услубий ҳужжат билан таққосланади ҳамда четланишлар аниқланганда муаммони ҳал этиш йўллари қидирилади, мос келганда эса самарадорлиги ҳақида хулоса қилинади.

Тадқиқотнинг «**Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштиришнинг услубий таъминоти ва амалий жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида пахта тозалаш корхоналарида операцион бюджетларни тузиш услуби, инвестицион, махсус, йиғма бюджетларни шакллантириш ва бюджетлар ижросини таҳлил қилишнинг услубий таъминоти ҳамда уни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Ихтисосликка оид адабиётларни ўрганиш бюджетлаштириш жараёнларини сценарий асосида ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Муаллифнинг фикрича, пахта тозалаш корхоналарида асосий бюджетнинг барча параметрларини ҳисоб-китоб қилиш учун асос сифатида нафақат пахта хом ашёсини тайёрлаш бюджети ва маркетинг тадқиқотлари натижалари олиниши керак, балки бюджетлаштириш сценарийси ҳам тайёрланиши зарур.

Тадқиқотда пахта тозалаш корхоналарида операцион бюджет пахта хом ашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш бюджетларига бўлиниши мақсадга мувофиқ деб топилган. Хом ашё ресурсига эҳтиёж ва унинг қийматини белгиловчи пахта хом ашёсини тайёрлаш бюджети пахта тозалаш корхоналарини қайта ишлаш бюджети ва бошқа бюджетларни ҳисоблашда таянч ҳамда асос ҳисобланиши илмий асосланган. Шунингдек, ушбу бюджетда пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, тозалаш ва уни пахта тозалаш корхонасига ташиб келтириш ҳажми ҳамда ҳар бир тайёрлов маскани бўйича пахтанинг таннархи кўрсаткичлари аниқланиши тартиби белгилаб берилган.

Операцион бюджетнинг яна бир муҳим таркибий элементи бўлган пахта хом ашёсини қайта ишлаш бюджети пахта баланси, материал ва эҳтиёт қисмлар сарфланиши, меҳнат харажатлари, асосий воситалар, номоддий активлар ва умумишлаб чиқариш харажатлари бюджетларидан ташкил топиши асослаб берилган.

Изланувчи томонидан сотиш бюджетида сотиладиган маҳсулотларнинг ассортименти, номенклатураси ва миқдори акс эттирилиши ҳамда ушбу бюджетни тайёрлов, қайта ишлаш бюджетни ва прогноз таннархига доир кўрсаткичларга асосланиб тузиш мақсадга мувофиқ деб топилган. Тадқиқотда пахта тозалаш корхоналарида сотиш бюджетни тадқиқ этилиб, уни сотиш каналлари кесимида чоракларга бўлинган ҳолда тузиш тавсия этилган (4-жадвал).

4-жадвал

Навоий вилояти «Навбахор пахта тозалаш» МЧЖда сотиш бюджетининг тавсия этилаётган варианты¹³

Маҳсулот номи	Сотиш каналлари	2017 йиллик бюджети	Шу жумладан, чораклар бўйича			
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
Тола, минг сўм	хорижга	375142	78780	52520	225085	18757
	ички эҳтиёжга	9035057	1897362	1264908	5421035	451752
Чигит, минг сўм	ёғ-мой комбинатига	564105	101539	73334	389232	-
	уруғликка	138117	24861	17955	95301	-
Момиқ, минг сўм	давлат хариди	6354	6354	-	-	-
	эркин савдога	24	24	-	-	-

Жадвалдан кўриниб турибдики, пахта тозалаш корхоналарининг асосий маҳсулоти ҳисобланган толани асосан ички эҳтиёж, яъни тўқимачилик корхоналарида қайта ишлаш учун сотиш режалаштирилмоқда ва мазкур кўрсаткич 2017 йил учун йиллик 9035057 минг сўмни ташкил этгани ҳолда хорижга тола экспорти камайиб, 375142 минг сўмни ташкил этади, холос. 2-чоракда тола сотишнинг 1-чоракка нисбатан 66,7 % га кам режалаштири-лаётганлигини асосий сабаби бюджет йилининг май-июнь ойларида пахтани қайта ишлаш якунланиб, пировардида пахта терминалларида тола жўнатишини камайиши юз беради. 2017 йилнинг 3-чорагида ички эҳтиёжлар учун тола сотилишининг қарийб 3 барабар кўп режалаштирилаётганлигига уни мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида чуқур қайта ишлаш сиёсати амалга оширилаётганлиги сабаб бўлган.

Инвестицион (инновация) бюджет янги, замонавий техника ва технологияларни жорий этишда узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни сарфлаш бўйича дастур вазифасини бажаради. Тадқиқотда инвестиция харажатлари билан ишлаб чиқариш даврини ўзаро боғлаш учун инвестиция режа-графи тузилиши ва у инвестицион бюджет учун асос ҳисобланиши илмий асосланган.

Пахта тозалаш корхоналарига асосий фаолияти билан бирга фермер хўжаликларини уруғлик чигит билан таъминлаш вазифаси ҳам юклатилган. Шу боисдан ҳам диссертацияда махсус бюджетлардан бири уруғлик чигит тайёрлаш цехи бюджетини тузиш услуби тавсия этилган. Ушбу бюджетни

¹³ Навоий вилояти «Навбахор пахта тозалаш» МЧЖ материаллари асосида муаллиф ишланмаси.

тузиш бўйича монографик тадқиқот объектларидан бири – «Ўзбекистон пахта тозалаш» АЖ мисолида ўзаро мантиқий ва услубий жиҳатдан боғлиқ услубий кўрсатма ишлаб чиқилган.

